

## Кўқондаги йўллар янгиланади



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 августдаги "2017-2019 йилларда Фарғона вилоятининг Кўқон шаҳрини комплекс ривожлантириш чоратадбирлари дастури тўғрисида"ги 658-сонли қарорига асосан Кўқон шаҳрида янги йўллар қурилади, мавжуд йўл ва кўчалар қайта қурилиб, таъмиранади.



Жумладан, қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг 5-бандига асосан,

Давлат аҳамиятида бўлган:

- А-373 автомобиль йўлини Кўқон шаҳар айланма йўли билан туташтирувчи йўлнинг 4-9 километрлари оралиги қайта қурилиши, мазкур йўлни "Фарғона шаҳри айланма йўли" билан туташтирувчи 2,4 км узунликда янги автомобиль йўли қуриш;

Умумий фойдаланувда бўлган:

- А-373 автомобиль йўлининг Кўқон шаҳрига кирадиган қисмидаги 5 км қисмини, 4р-153 "Кўқон ш.-Мингтут қ.-Аэропорт-Сариқўргон қ." Автомобиль йўлининг 0-3 километрлари оралиғидаги 4 км қисмини тўла таъмирлаш;

Шаҳар кўчалари хисобланган:

- Кўқондаги 12 та – умумий узунлиги 23,3 км бўлган марказий кўчаларни қуриш ва қайта қуриш, 65 та маҳалланинг 30 км ички кўчаларида таъмирлаш ишларини амалга ошириш, шунингдек, Муқимий шаҳарчасининг 24 км марказий ва ички кўчаларини таъмирлаш ҳамда бошқа тадбирлар кўзда тутилган.



Бундан ташқари, 2017-2019 йиллар мобайнида шаҳардаги таъмирланадиган 21 та кўчада умумий қиймати 624 миллион сўмга teng бўлган замонавий бекатлар қуриш ҳам кўзда тутилган.

[Автомобиль йўллари давлат қўмитаси](#)

[матбуот хизмати](#)